

## Институтимизнинг Қарши филиалида устозларга эҳтиром

ТИҚҲММИ Қарши филиалида “Энг улуғвор мақсад фарзандлар камоли” мавзусида байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда филиал барча профессор ўқитувчилари, талабалар ва ота-оналар иштирок этишиди. Тадбир талабалар томонидан тайёрланган назмий салом ва эҳтиром билан бошланди. Тадбирда филиал талабалари томонидан тайёрланган, шеърий саҳна кўриниши устозларга бўлган талабаларнинг меҳри, ҳурматини яққол акс эттирибгина қолмай, барча йиғилганларнинг кайфиятига кўтаринкилик қўшди.



Тадбирни бадиий қисмида “Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” йўналиши талабаси Муртозева Дилором томонидан айтилган “Устозлар” қўшиғи байрам иштирокчиларининг руҳиятига тетиклик ва бардамлик бахш этибгина қолмай, балки барча профессор ўқитувчilarни ўйинга чорлади. Тадбирда Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри хонандалари Махмуд Шавдиров ва Адхам Суннатовларнинг қўшиқлари йиғилганларни хушнуд этиб, устозларга эҳтиром рамзини ҳам ифода этди десак, муболаға бўлмайди.



**Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**